



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 27 январь, № 18 (7798)

Чоршанба Сайтимизга ўтти учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЮЗАСИДАН АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 январь куни жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида қайд этилганидек, 2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти камида 5 фоиз ўсиши мақсад қилинган. Бироқ глобал иқтисодиётдаги ноаниқлик узоқ давом этиши мумкинлиги иқтисодий ўсишнинг кўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга ўз соҳаси бўйича маҳалла-лардаги ҳолатни ўрганиш, "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди.

Иқтисодий комплекс вакилларини маҳаллага тушириб, вертикал тизимни, барча органлар фаолиятини ўзаро мувофиқ йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бу тизимга жалб қилинадиган мутахассисларнинг билим ва имконияти масаласига алоҳида эътибор қаратди. 20 мингдан ортиқ ходимларни ўқитиб, уларга масалани жойида ҳал этиш бўйича барча ваколатларини бериш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат бошқаруви академиясига маҳалла раислари ва мазкур тизимда иштирок этадиган барча ходимлар учун ўқувлар ташкил қилиш, бунинг учун махсус дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хар бир раҳбарнинг мазкур тизимдаги шахсий масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш, барча жараёнларга қўмақлашувчи онлайн электрон платформа яратиш зарурлиги таъкидланди.

Президент камбағалликни қисқартириш масаласига яна бир бор тўхталиб, мутасаддиларга аҳолини тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги раҳбарлари 2021 йилда ҳар бир тармоқ ва

худуд кесимида иқтисодий ўсишнинг қўшимча манбалари тўғрисида таҳлил қилиб, йиғилишда ушбу резервларни тўлиқ ишга солиб, қўшимча иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш чоралари қўриб чиқилди.

Асосий озик-овқат маҳсулотларининг етарли бўлишини таъминлаш, нарх ошишига таъсир кўрсатадиган омилларнинг олдини олиш масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

Саноатда ҳам қўшимча резервлар аниқланган. Айниқса, етакчи соҳалар бўлган кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал соҳаларида "саноат занжирлари"ни узайтириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йирик давлат корхоналарини трансформация қилиш, харажатларини ва бошқарув тизимини оптимallasштириш бўйича вазифалар қўйилди.

Хизматлар соҳасида ҳам ишга солинадиган имкониятлар кўп. Президентимиз уларни тўлиқ сафарбар этиб, худудларда сервис шохобчаларини кўпайтириш, янги замонавий хизмат турларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. 2021 — 2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига ёшлар кенг жалб этилиши белгиланди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари ижросига ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида 1 минг 752 та объект учун қарийб 18 триллион сўм бюджет маблағлари ажратилган. Бу маблағлардан оқилона фойдаланиш, лойиҳа ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ва қурилишлар сифатини таъминлаш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар иқтисодий комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг ўрта ва куйи бўғинини маҳаллага тушириб, аҳолига яқинлашган иш тизимини йўлга қўйиш режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ

Давлатимиз раҳбари маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида янги Ўзбекистоннинг улуг марраларга эришиши учун лозим бўлган энг муҳим жиҳатларга алоҳида тўхталиб, "Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор таомилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият", деб таъкидлади.

Нуқтаи назар



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири, академик.

Яқинда бўлиб ўтган йирик тадбирлар — давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам маънавият йўналишидаги долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилган эди. Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормасан масалалар кўп.

Миллий гоёнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкура тасаввур қилиб, бунга юзани қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ



Акmal САЙДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.

Мамлакатимизда олиб борилаётган янги демократик ҳамда эркин Ўзбекистонни яратишга қаратилган кенг қамровли ва изчил ислохотлар доирасида халқ ҳокимиятчилиги конституциявий таомиллини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, демократик ва адолатли сайловлар демократиянинг ўта муҳим ва зарур шартларидан ҳисобланади.

Долзарб мавзу

2019 йилда мамлакатимизда Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар — янги парламент" деган устувор гоё асосида бўлиб ўтган сайловлар ҳам шундан далолат беради. У мамлакатимизда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келганини яққол кўрсатди.

Шунингдек, илк бор Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида амалга оширилган сайловлар даврида орттирилган тажриба сайлов қонунчилиги ва амалиётимизда юзага келган айрим бўшлиқлар ҳамда ечимини кутаётган вазифаларни ҳам кўрсатиб қўйди.

2020 йилги Давлат дастурига мувофиқ,

амалдаги сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу қонун лойиҳаси Олий Мажлис палаталари, Марказий сайлов комиссияси, сенатор ва депутатлар иштирокида 2 мартаба муҳокама қилинди. Қолаверса, 2020 йилнинг май-июнь ойларида қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

"Демократик ислохотлар йўли — биз учун яқкаю ягона ва энг тўғри йўлдир"

Бугунги кунда миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллашти-

риш, уни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва амалга оширилаётган изчил демократик ислохотлар билан уйғунлаштириш, мамлакатимизнинг сиёсий нуфузини янги босқичга кўтариш, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Биринчидан, 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий қўлатувчиларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш лозим.

Иккинчидан, "Жаҳон мамлакатлари демократия индекси" да Ўзбекистон ҳозирги кунда 157-ўринни эгаллаб турибди. Шу сабабли ҳам Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизминини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, "Сайлов жараёни ва плюрализм" йўналиши бўйича мамлакатимиз кўрсаткичларини 2022 йилга қадар 6 бараварга ошириш мақсади қўйилган.



ЁШЛАР

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯРАТИШДА ЕТАКЧИ КУЧДИР



Эътироф

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир" деган сўзларига тўлиқ қўшилман", деди эксперт.

"Ўсиб келаётган авлоднинг маънавий-маърифий онгини шакллантириш мамлакатнинг ватанпарвар, маънавий-ахлоқий қадриятлар соҳиб бўлган ҳамжамият ва баркамол йигит-қизларини тарбиялашнинг асосий омил эканига ишонч қилиш керак, — деб давом этди малайзиялик мутахассис. — Айнан ёшлар янги Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳаракатлантирувчи ҳамда қудратли кучдир. Ўзбекистон раҳбарининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга устувор аҳамият берган ҳолда мактабгача, ўрта ва олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган савий-ҳарақатлар келажақда ёшлар ўртасида маданият, миллий урф-одатлар ва қадриятлар, баркамоллик ва ватанпарварлик тушунчаларининг мустақамлашишига асос бўлади".

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши тафсилотлари Малайзия эксперт-таҳлил ва илмий-академик доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Малайзия шариат, ҳуқуқ ва сиёсатни ўрганиш маркази директори Моҳд Фарид бин Моҳд Шаҳраннинг сўзларига кўра, "Сўнгги йилларда дунё ҳамжамияти ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясига катта эътибор қаратмоқда. Хар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — бу маънавий етуқ, билимли ва маърифатли шахсларни тарбиялашдан иборат".

"Шу муносабат билан мен

"Дунё" АА. Кулола-Лумпур

Сенат қўмитасида

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг мажлиси ўтказилди. Унда сенаторлар, қўмита эксперт гуруҳи аъзолари, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўлланган Мурожаатномасида белгилаган вазифалар, қолаверса, 2020 йилда қабул қилинган Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, таълим-тарбия соҳасини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишларида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.



БУХОРО ВИЛОЯТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Оилавий тадбиркорлик ва ёшлар бизнес лойиҳаларига 390 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Хар бир туманда биттадан касб-хунаар мактаби танлаб олинди, унинг базасида **МОНОМАРКАЗ** лар ташкил этилади. Уларда маҳаллабай ўрганиш натижасида аниқланган ишсизлар, ёшлар ва аёллар талаб юқори бўлган касбларга ўқитилади.

Бухоро вилоятида 2021-2022 йиллар учун умумий қиймати қарийб **19 триллион сўм** бўлган **713 та** инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан **555 таси** бу йил амалга оширилиши, **14 мингдан** зиёд янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.



Сурат www.president.uz сайтидан олинди

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, "рақамли боғжона"ни шакллантириш бугун тизим олдидаги энг катта вазифалар ҳисобланади.

ЗАМОНАВИЙ БОҶХОНА ПОСТИ ИШ БОШЛАДИ



Ўртимизда боғжона пости ва боғжона омбори бино ҳамда ишоотларини куриш бўйича катор ишлар олиб борилаётди. Хусусан, бу йўналишда Самарқанд вилояти боғжона бошқармаси тасарруфидида "Самарқанд" таъшиқотли фаолият боғжона пости янгидадан ўз ишини бошлади.

26 январь — Ўзбекистон Республикаси давлат боғжона хизмати органлари ходимлари куни арафасида барпо этилган ушбу объект замонавий, жаҳон стандартларига мос келадиган маъмурий бино ва илгор ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Бу ерда, шунингдек, боғжона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатларни беришга ваколатли бўлган мутасадди идораларнинг вакиллари ҳам фаолият олиб бориши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, мавжуд хавфни бошқариш тизими орқали, агар Боғжона юк дек-



Богдорчиликка ихтисослаштирилган туманлардан бири — Асакада саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, "Asaka Textile" МЧЖда ип йиғиришдан бошлаб тайёр маҳсулотга айлангунча бўлган жараён тизимли ташкил этиляпти.

ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЯДИ

— Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлиги боис экспорт қилинмоқда, — дейди тикувчи Санобархон Аҳмадалиева. — Бу нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, балки ишчиларнинг ижтимоий манфаати ҳам хизмат қилади.

Бу ерда ўтган йил давомида 9 миллион АҚШ долларлик

ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Почта алоқаси яқин вақтга аҳолининг яқин кўмақдоши сифатида юртдошларимизга кенг кўпмаъража хизмат кўрсатиб келганини кўпчилиги яхши эслайди. Эндиликда алоқанинг ҳамма учун мақбул бўлган ушбу жабҳасини янада ривожлантиришда истиқболли тadbирларни амалга ошириш, жумладан, қўшимча хизмат турларини жорий қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Наманганда тизим фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Тўрақўрғон тумани почта алоқа боғламасида биринчилардан бўлиб ушбу йўналишда замонавий хизматларнинг тadbир этишга киришилди.

Гап шундаки, эндиликда ота-оналар фарзандларини мактабга таълим ташкилотига навбатга ёдқориш учун фақатгина давлат хизматлари марказига боришлари шарт эмас. Уларнинг мазкур масала бўйича аризалари почтада ҳам қабул қилинади.

— Бундай хизматлар қисқа муддатда бажарилиши билан аҳамиятли, — дейди алоқа боғламаси бошлиғи Фозилжон Мирзаев. — Зарур ҳужжатлар микозга узғи билан бир соат ичида тақдим этилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Тошкент молия институтини ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси институтнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети декани муовини Ҳасан Аҳмедовга отаси Рўзбой АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этиди.

ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ



рахбари бир хонадонга ташриф буюрди. Меҳмоннинг иззатини қилиб тўрға ўтказишди, у кишининг ёнига оила бошлиғи — ота, отанинг рўпарасидан эса она жой олди. Аънавий чой узатиш жараёнида хонадон соҳибасининг тутумига қойил қолмай илож йўқ. Юсак мартабали меҳмон ташрифидан додвираб турган набирарага буви кўз ишораси билан "маслаҳат бериб" турди, халқимизга хос ҳурмат билан аввал давлатимиз раҳбарига, кейин бобога, шундан сўнг бошқаларга чой узатилади. Мана шу ўринда ҳам халқимизнинг асрий аънавоси — улугларга бўлган ҳурмат-эҳтиром намоеён бўлди.

Хар биримизнинг ҳаётимизда инсонни шакллантирадиган, унинг "бўйини" ўстирадиган, руҳини кўтарганидан бундай мисоллар қўлаб топилади, муҳими, уларни англаб етишимиз керак. Маънавиятимизнинг бекиёс куч-қудратини ёшларга тушунтиришда бу каби мисолларнинг ўрни бўлака.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида шон-шарафли тарихимиздан, улуг мутафаккир аждодларимизнинг ва жадид боболаримизнинг улуг бўла-ри ҳаётидан қайта-қайта мисоллар келтириши ҳам бежиз эмас.

Жумладан, Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг "Қўбшиқ истасан, касби камол эт" деган мисраларини ёдга олди.

Англашладикки, маънавий етук шахс — айнан ўз касбинин ва шахсиятини камолга етказган киши бўлиб, ундай инсонларни ҳазрат Навоий кўёшга тенглаштирган.

Хавфсизлик кенгаши йиғилишида эса ёшларимиз маънавияти, миллий руҳ ва миллий ўзига хослик ҳақида сўзлаб, буюк саркаралардан — Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур, Шохрух Мирзо ва Захриддин Муҳаммад Бобур ҳаётини мисол келтирди.

Ҳақиқатан ҳам, қаҳри қаттиқ Чингизхон ўзининг жасорати билан лол қолдирган Жалолиддин Манғуберди, олтин аскар билан уч минг кишилик қўшинини енгган султон Ҳусайн Мирзо, ёки қарийб ўн икки минглик аскар билан юз минг кишилик қўшин ва икки минг жанговар фил устидан галаба қозонган Захриддин Муҳаммад Бобур каби улуг саркараларимиз қаҳрамонликларининг манбаи айнан шу қудратли кўчда, яъни қаҳрамонликлар ва фидойиликларга йўлловчи маънавиятда экани ойдинлашади.

Шу боис Президент мамлакатимиз мафкурасининг асосий ғоясини таъкидлаб, шундай деди: "Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамлилик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунаемиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётини тушунча ва қадриятларига асосланган".

Дарҳақиқат, маънавият деган қудратли кучнинг моҳиятини, негизини юракдан ўтказиб мулоҳаза қилиб кўрсак, Президент жон куйидир айтган ушбу сўзлар қандай чуқур маъноларга эга экани ойдинлашади.

Давлат раҳбари нутқини тинглаб эканман, ўз-ўзимга "Кани, мен маънавиятнинг қандай тасаввур қиламан?", деб савол бериб кўрдим ва унга муайян жавоблар топдим.

Ёшлигим қишлоқда кечди. Тоғ ёнбағридаги кичкина еримизда иккинчи экин сифатида картошқадан сўнг маккажўхори экардик. Баъзи йиллари кузатишдан қурғоқчилик туфайли экинларини сугоришда сув роса талаш бўларди. Бир куни жўхори роса сувсираб, барглари қуришга ўтибди. Буни кўриб, даҳанага, яъни сув жанжалга билан овор экан. Одамлар орасида нима қилишимни билмай турсам, соч-соқоли оппоқ бир киши "Бугун сув навбати меники", деб ўзани ўзига буриб олди. Ўшанда Ҳусайн ёшим билан у кишига "Ия, нега бундай қиласиз? Ахир, бизнинг экинлар сув ичмаса, нобуд бўлади-ку?" деганим ёдимда. Муштрай боладан бундай сўз чиққанига ҳайрон бўлган оқсоқол "Шошманг, ўғлим, кимнинг бола-сизис?" деб сўради. Жавобимни эшитиб, бобомни эслаб, "Устозимнинг набираси экансиз-ку!" деб, бир ариқ сувни биз томонга очиб юборганди.

Бобомнинг ҳақиқига дуолар қилиб, мен билан еримизгача келиб сугоришимга ёрдам берганди.

Уша маҳалда оқсоқолни шунчаки бир яхши одам экан, деб ўйлаганман, эндиликда ушбу инсон ва унинг эзгу ишида миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш насимидан нафас олганимни англайман. Яъни оқсоқол устозининг ҳақиқ-хурмати учун ўз манфаатидан воз кечиб, гарчи экинлари қуриб кетаётган бўлса ҳам, унинг авлодига кўмак берган эди. Тўриси, ўша куни "бўйим" бир қарич ўстгандек ҳис қилганман ўзимни, ичимда бобомни янада улуғлаганман, уларга муносиб бўлишга беихтиёр ҳарқат қила бошлаганман. Ўз устозига ҳурмат кўрсатиш, ҳатто унинг авлодларини-да ардоқлаш халқимиз маънавиятининг бир унқунидир. Қаранг, маънавиятимизнинг бетимсол қудратини!

Бу буюк қудрат Генетика ва биоинформатика марказида ишлаб юрган пайтларим ҳам менга куч, мадад берганди. "Ген-нокаут" технологияси бўйича янги ғўза нави яратяётган пайтларимиз эди. Марказимиз янги ташкил этилган, унинг келажагига ишонувчилар билан бир қаторда, ишонмайдинглар ҳам бор эди.

Кези келганда алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Марказий Осиеъда ягона бўлган мазкур марказ тўлиғича давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлашлари натижасида барпо қилинган. Бир куни у киши марказимизга ташриф буюрди, ишларимиз билан танишар экан, атрофдаги баъзи "салбий" баҳоларни ҳам тинглади, сўнг бизларни руҳлантириб, "Биз ўзбеклармиз, томиримизда дунё тамаддунини бешигини тевратган буюк боболар кони оқмоқда. Уларга муносиб бўлиш учун ҳам бошлаган ишини охирига етказишимиз шарт!"

деди. У кишининг ушбу сўзлари бизга қанот бўлди, шахсан менинг "бўйим" яна бир қарич ўстгандек туюлди. Янада шижоат билан илмий ишларга киришиб кетдик. Пировардида бу қатъий туфайли тadbиротларимизни ўша йили яқунладик ва янги нав яратишга эришдик.

Халқ ҳаётида бундай мисоллар истаганча топилиши кишини жуда қувонтиради. Куни кеча Бухоро давлат университетиде ташкил қилинган учрашувида давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан муҳокама бўлиб ўтди. Маънавият ҳақида сўз борар экан, кимдир янги боғча ва мактаблар қуриш ҳақида сўзлади, яна кимдир кийиниш аъналаримизга рияоз қилиш ҳақида гапирди.

Университет ёш олимларидан бири эсда қоларли шундай воқеани хикоя қилиб берди: "Онамнинг тоби қочиб қолди. Шоша-пиша шифохонага олиб бордик, қарасам, шошилинчда оёқяланг олиб кетаверган эканмиз. Ўша ердаги ҳамширалардан бири ташқарига чиқиб, салдан кейин шилпак кўтариб кирди-да, онамнинг оёқларига кийдириб қўйди. Шу воқеа менга жуда катта дарс бўлди, фақат ўз ота-онамни эмас, барча ота-оналарни қадрлашни ўргатди".

Зиёли инсонлардан яна бирининг қўйидаги хикояси ҳам ниҳоятда ҳикматли: "Бир пайтлар уй оладиган бўлиб қолдим. Олтинадиган уй топилди, эгаси билан нарҳини келишиб, уч-тўрт кун ичида пулини беришга аҳдлашдик. Айтилган вақтда пулни олиб, сотувчининг ёнига борсам, бошқа бир одамлар келиб, гаплашиб турган экан. Иккинчи харидор сотувчига биз келишим нарҳдан кўра анча кўп пул таклиф қилибди. Сотувчи "қажон, эр кишимиз, лафзимини шамолга совур-майимиз?" деб унинг таклифига қўнмай, уйини менга ўша келишилган нарҳда сотди. Бундай мард кишининг тутуми

Биринчи ва иккинчи Ренессанс даври мутафаккирларининг дунё тараққийотини ўзгартириб юборган кашфиётлари негизиде ҳам Президент эътибор қаратган юсак маънавият турибди, албатта. Бу — нафақат маънавият ва маънавий муассасаларига, балки барча соҳага бирдай зарур бўлган жуда муҳим фазилятдир. Давлатимиз раҳбарининг сўзларидан маънавият — кишини қаҳрамонликларга, фидокорликка етаклайдиган, инсонни камолотга етказувчи, юксалтирувчи улуг қудрат экани яққол аён бўлади.

Эзувчи Исакон Султоннинг "Ҳазрат Хизр издан" китобиде бир муҳим гап бор. Унинг қаҳрамони жонажон юртимиз ҳудудларини кезиб, ҳазрати Хизр изларини ахтарди. Мазлумки, ҳазрати Хизр — мушкул пайтда пайдо бўлиб, муаммоларни ўнглаб қўядиган нурувий бир зотдир. Қисса ниҳоятда асар қаҳрамони ўзи излейётган зот халқ орасида эканини, гоҳ доно устози, гоҳ меҳрибон ота-онаси, гоҳ садоқатли дўсти Хизр мақомида бўлиб, кўмак қўлини чўзганини, мушкул дaмлариде ёрдамга келганини айтди. Бу ҳам халқимизнинг эзгуликларга чорловчи маънавиятининг турли кўринишларидан биридир. Эзувчи халқ орасидеги "Ҳар етти кишидан бири Хизрди" деган ҳикмати асар моҳиятига сингдиридан ва кишиларни ўзаро меҳр-оқибатга, жипслик-бирдамликка қақради.

Биринчи ва иккинчи Ренессанс даври мутафаккирларининг дунё тараққийотини ўзгартириб юборган кашфиётлари негизиде ҳам Президент эътибор қаратган юсак маънавият турибди, албатта. Бу — нафақат маънавият ва маънавий муассасаларига, балки барча соҳага бирдай зарур бўлган жуда муҳим фазилятдир. Давлатимиз раҳбарининг сўзларидан маънавият — кишини қаҳрамонликларга, фидокорликка етаклайдиган, инсонни камолотга етказувчи, юксалтирувчи улуг қудрат экани яққол аён бўлади.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида бир ҳолатга эътибор бердингизми? Давлатимиз

меңга бир умрлик сабоқ бўлди..." — Иккинчи жаҳон уруши туғган маҳаллар бўлса керак, бобом бир насроний қизни ёқтириб, уни она шахрига олиб келди. Бирок қиз ўз эътиқидидан воз кечмаслигини айтади, — дейди университетнинг яна бир тadbиротчиси. — Шунда бобом ёши улуглар билан маслаҳатлашади, билимли кишилар насроний қизга уйланиши мумкинлигини айтади. Муваббатнинг қудратини қаранг, икковлон узок йиллар тинч-тоту ҳаёт кечирдишди, фарзандлар дунёга келди. Бизлар бувимизнинг насроний эканини билмаганмиз ҳам. Бувимиз бобомизни беҳад иззатлар, бир ўзбек аёли қиладиган барча ишларни бажарарди: ховли сугурар, нонушта тайёрлар, куй ювар, нон ёптарди. ... Фақат ёшимиз улгайганидагина бу сирдан воқиф бўлганмиз. Энди ўйлаб қарасам, буви-бобомизнинг ҳаёти инсоний бағрикенглик, яъни толерантликнинг ёрқин ҳаётий мисоли бўлган экан...

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида бир ҳолатга эътибор бердингизми? Давлатимиз

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида бир ҳолатга эътибор бердингизми? Давлатимиз

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Куйи палатада Олий Мажлис ҳузуридеги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалаларини бўйича жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2021 йилда амалга оширилиши лозим бўлган режалар муҳокама қилинди.

Куйи палатада

Таъкидланганидек, жамоатчилик кенгаши фаолияти Ўзбекистон Тараққийот стратегиясининг устувор йўналишлари ва давлатимиз

раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, миллий ахборот

мажорани ривожлантириш бўйича қатор долзарб масалаларни ечишга йўналтирилди.

Хусусан, ахборот соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари хизматининг шفافолигини таъминлаш, парламент фаолияти очиқлигига кўмаклашувчи ахборот ресурсларини яратиш жараёниларига ёрдам, миллий ахборот маконида дискриминация ва адоватни кўзга тушишга қарши йўналтирилган жамоатчилик саъй-

ҳаракатларини кучайтириш бўйича ишларни ташкил этиш масалалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотлардан эркин фойдаланишлари учун тўсиқларни қайта кўриб чиқиш, аҳолининг медиасаводхонлигини юксалтириш, контентнинг ноқонун тарқалишига қарши жамоатчилик эътиборини қаратиш, ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш ва бошқа муҳим йўналишлар ҳам қамраб олинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятининг барча йўналишида кенг қамровда фуқаролар иштироки ҳамда фаолиятнинг очиқлигини ҳар томонлама таъминлашни режалаштиришмоқда. Айни чоғда қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда барча манфаатдор томонларнинг ижтимоий ҳамкорлигини ташкил қилиш гоят муҳимлиги таъкидланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ОДАМЛАР ТУРМУШНИ ЯХШИЛАШГА ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 40 мингдан зиёд очор оилалар мавжуд бўлиб, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сенаторларнинг маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва туман ҳокимликлари мутасаддилари билан йўлга қўйилган ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

Мушоҳада

Хусусан, Қибрай туманида 2020 йилнинг октябрь — декабрь ҳолатига биргина "аёллар дафтари"га 1 602 хотин-қиз киритилган. Аёллардан 716 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлса, 147 нафари боқувчисини йўқотган. Улар орасида 1 ва 2-гурӯх ногирони, қарамоғида ногирон фарзандлари бўлган аёллар ҳам бор. 2020 йил якуни бўйича 668 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланган.

Тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган опа-сингилларимиз ҳам барча масалада бизнинг ёрдамимизга таянишлари мумкин. Туманда 2020 йил рўйхатдан ўтган якка тартибдаги ишбилармонларнинг 86 нафари хотин-қизлар. Шундан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурлар доирасида 4 та лойиҳа 10 миллиард 490 миллион сўмлик кредитлар билан таъминланган ва 273 та иш ўрни яратилган. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 6 та лойиҳага жами 125 миллион сўм ажратилган. Бошқа 3 та лойиҳага эса 90 миллион сўм йўналтириш кўзда тутилган. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида қўллаб-қувватланган аёлларнинг 204 нафари касбга ўқитилган.

Хотин-қизларни камбағалликдан чиқаришда, аввало, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, қолаверса, тадбиркорликни бошлаш истагида бўлганларга қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан Қибрай туманида намунали амалиёт шакллантирилган эътиборга молик. Масалан, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва маҳаллалар фаоллари билан биргаликда ўқув курсларига ёзилган аёллар вақтида дарсларга келяптими, уларнинг амалиёт ўташи қайси корхонада йўлга қўйилган — барчаси диққат марказимизда.

Тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган опа-сингилларимиз ҳам барча масалада бизнинг ёрдамимизга таянишлари мумкин. Туманда 2020 йил рўйхатдан ўтган якка тартибдаги ишбилармонларнинг 86 нафари хотин-қизлар. Шундан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурлар доирасида 4 та лойиҳа 10 миллиард 490 миллион сўмлик кредитлар билан таъминланган ва 273 та иш ўрни яратилган. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 6 та лойиҳага жами 125 миллион сўм ажратилган. Бошқа 3 та лойиҳага эса 90 миллион сўм йўналтириш кўзда тутилган. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида қўллаб-қувватланган аёлларнинг 204 нафари касбга ўқитилган.


ди, 88 нафарига томорқадан фойдаланиш бўйича кўмак берилди, 320 нафари ишбилармонликка жалб этилади. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тадбиркорлик инсонлар, жумладан, аёллар ўз ишини бошламоқда. Бу яхши, албатта. Бирок бизнесда рақобат бор, бозор билан ишлашни "чидаганга чиқарган". Демокримизки, янги ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишга баъзида профессионал ёрдам керак бўлиб қолади. Шундай экан, ўз ишини йўлга қўйган, "темир дафтар"лардан чиқарилган янги бизнесменларни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш талаб қилинади.

Мисол учун, тадбиркорликка илк қўл урган инсон кредит олади, бирор маҳсулот ишлаб чиқаришни муваффақиятли йўлга қўяди, лекин уни сотишга келганда, оқсай бошлайди. Мана шундай пайтда унга Савдо-саноат палатаси ёки бошқа мутасадди ташкилотлар ёрдамга келиши керак. Эндигина ишини бошлаган тадбиркорларга янги буюртмалар бериш боради. Бирок бизнесда рақобат бор, бозор билан ишлашни "чидаганга чиқарган". Демокримизки, янги ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишга баъзида профессионал ёрдам керак бўлиб қолади. Шундай экан, ўз ишини йўлга қўйган, "темир дафтар"лардан чиқарилган янги бизнесменларни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш талаб қилинади.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган камбағалликни қисқартиришга қаратилган ҳал-қаракатлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Шундай экан, унга маҳаллий ва республика даражасидаги давлат ҳамда жамоат тўғрисидаги, фуқаролик жамияти институтлари, кичик, ўрта ва йирик бизнес вакилларини жалб қилиш ўринлидир. Мана шу жиҳатлар қамраб олинган махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилса, кўзлаган мақсадимизга эришишимиз янада тезлашади.

Эҳтижманд оилалар аъзоларини касб-ҳунарга ўқитиш масаласига ҳам жиддийроқ ёндашув зарур. Чунки айрим замонавий касбларга ўқитиш кўпроқ вақт ва билим талаб қилади. Ахборот технологиялари йўналишидаги кўпгина касблар шулар жумласидан. Хусусан, дастурловчи бўлиш учун ҳар қандай инсонга, ҳаттоки, у зукко бўлса ҳам дастурловчи бўлгангача даражасини эгаллашига 6 ойдан 1 йилгача вақт кетади. Демак, ўргатаётган мутахассис ҳам кучли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) Бош котиби Зураб Пололикашвили билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон туризм тармоғининг замонавий ривожланишига оид маълумот тақдим этилди. Бугун соҳадан ислоҳ қилинаётгани, бундан кўзланган мақсад туризмининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик йўналишига айлантириш экани кайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган "Uzbekistan: safe travel guaranteed" санитария-гигиена протоколи, чет эл фуқаролари учун Ўзбекистонга кириш тартиби, Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли" халқаро туризм университети ва ушбу соҳага ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Таълим туризм соҳасини янада ривожлантириш ҳамда қайта тиклаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга экан таъкидланди. Мулоқотда томонлар

дек, профессионал кадрларнинг ушбу йўналишдаги жаҳон бозорига фаол киришига имкон беради. Қайд этилишича, ҳамкорликнинг яна бир йўналиши туризм соҳасига сармояларни жалб қилишни қамраб олиши керак. UNWTO Бош котиби Тошкент вилояти сайёҳлик салоҳияти, хусусан, Амройи тоғ-чанги курортда яратилган шароитлар билан танишиб, Ўзбекистон пандемия даврида туризмга сармоя киритишда давом этаётган камсонли давлатлардан бири эканини таъкидлади. Томонлар 2021 йил июнь ойида (дунёдаги санитария-эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда) Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида UNWTO шафелигида глобал инвестициявий форум

ўтказиш бўйича келишувга эришди. Зураб Пололикашвили UNWTO Италия билан биргаликда биринчи болалар сайёҳлик форумини ташкил қилишни режалаштираётгани маълум қилди ҳамда ушбу анжуманда ёш сайёҳларни тарбиялаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси тақдиротини ўтказиш тақлифини илгари сурди. 2022 йилда иккинчи болалар сайёҳлик форумини Ўзбекистонда ўтказиш имкониятларини кўриб чиқишни сўради. Музокараларда Ўзбекистон эиберат туризмни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. UNWTO раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу йўналишидаги бой меросини эътироф этиб, халқаро ташкилот ҳар икки йилда бир марта ушбу мавзуда тадқиқот ўтказишини таъкидлади. У мамлакатимизнинг тарихий меросини ўрганиш бўйича кўрсаткичларни маъруза тадқиқотнинг 2021 йилда чоп этиладиган навбатдаги сонига киритишни тақлиф қилди.

«Дунё» АА. Мадрид

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бутунлай янги босқичга чиқди. Буни ҳаётимиз, қолаверса, ҳар биримиз ўз фаолиятимиз давомида, ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда ҳам яққол кўриш мумкин. Утган йилнинг октябрь ойида давлатимиз раҳбари раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда ёшлар ва аёлларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам бериш, шунингдек, билим ҳамда касб ўрганиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга иштиёқи борларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ҳамда вилоят кесимида "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" ташкил қилиниши белгиланган эди. Бу борада тегишли мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси,

Тошкент шаҳри ҳамда ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси ҳам қўйилган. Шунингдек, аҳолини ишбилармонликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун имтиёзли маблағлар ажратилиши айтиб ўтилди. Ҳўш, Президентимиз томонидан белгилаб берилган мазкур долзарб вазифалар ижроси бугунги кунда қай даражада таъминланмоқда? Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига эришиш, уларга мақсадли ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш жараёнида мамлакатимиз молия муассасаларининг ўрни қандай бўляпти? Мухбиримиз ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида "Ипотека-банк" АТИБнинг кичик бизнес департаменти директори Фарҳод ИНОЯТОВнинг фикрлари билан қизиқди.

5 та иш ўрни сақлаб қолинди. Бу, ўз навбатида, оиласи, шу орқали юртимиз тараққиёти йўлида хизмат қилаётган хотин-қизларимизга, оз бўлса-да, ёрдам бўлди, деб ўйлайман. — Юртимизда бу борада қўллаб-қувватлаш ҳаётга татбиқ этиляпти. Мазкур йўналишда банкнинг халқаро ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари ва янги лойиҳалар хусусида ҳам маълумот бериб ўтсангиз. — Албатта, нуфузли чет эл молия институтлари билан ҳамкорлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина мисол, "Ипотека-банк"га мамлакатимиз молия муассасалари орасида илк мартаба Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг "Марказий Осиеда бизнесдаги аёллар" дастури доирасида 10 миллион АҚШ долларлилик кредит линияси жалб қилинди.

ликни сақлаб қолиш ва янгиликлар киритиб молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда уларга янги хизматлар кўрсатиш ва ҳамкорлар топиш бўйича маслаҳатлар беришни ўз ичига олади. Техник кўмак — аёллар бошқарувидаги кичик ва ўрта бизнес кор-

диган аёл менежерлар ҳам тайёрланмоқда. Оқддий айтганда, ишбилармон хотин-қизларга фақатгина кредит ажратиш билан чекланиб қолмасдан, уларга тадбиркорликнинг сирасорлари ҳам ўргатилади. Худди

аёллар "Ипотека-банк" билан ишлашдан қандай манфаат топади, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобимиз шундай: Биринчидан, банк ҳар доим ишбилармон хотин-қизлар билан ҳамкор сифатида ишлайди. Бунда юқорида айтилганидек, филиалларимизда ташкил этиладиган менежерлар имкониятларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз. Иккинчидан, банк бу йўналишдаги фаолиятга нафақат пул ажратувчи, балки молиявий маслаҳат берувчи, яъни биринчи навбатда, молиявий билимларини оширувчи сифатида ёндашади. Учинчидан, молия муассасамиз ишбилармон хотин-қизлар учун махсус аёллар махсулотларини яратиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳажмини ошириб боради.

Молия муассасаларида

— Давлатимиз раҳбарининг аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган ташаббуслари бугун мингглаб хотин-қизларнинг қалбида ишонч, шижоат ҳамда миннатдорлик туғилурларини уйғотмоқда. — дейди у. — Шу ўринда савол туғилиши мумкин: нима учун "аёллар дафтари" сув ва ҳаводе зарур бўлиб қолди? Бунга жавобнинг қамрови кенг, албатта. Масалан, олис ҳудудларда ўз ташвиш-ўйларига ўралашиб, дардини айтолмай юрган, шунингдек, боқувчисини йўқотиб, болаларининг қўзғига термилиб, гойибдан умидвор турган оналар, узок муддат чет элда бўлиб, қуйинчиларнинг чегарасидан ўтолмай, не-не машаққатлар билан юртимизга қайтиб келиб, иш излаб, қаерга боришни билмай турган аёллар кўз ўнгимизга келади. Шу жиҳатларни инобатга олиб, аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш банкимиз олдида қўйилган устувор вазифалардан бири, десам, адашмайман. Анёқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, айни ушбу мақсадлар учун

2019 йилда 208,3 миллиард сўм, ўтган йилнинг ўн ойида эса 336,4 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди, 2019 йилнинг мос давридагига нисбатан 128,1 миллиард сўм кўп маблағ йўналтирилди. 2020 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкда ўз ҳисоб рақамини очган аёл ишбилармонларнинг сони 13 минг 200 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич COVID-19 пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирига қарама-дан 2019 йилдагига нисбатан 13 фоиз ортгани ҳам фикримиз тасдиқидир. — Пандемиянинг салбий таъсири ҳақида гапирдингиз. Ҳақиқатан ҳам, дунё аҳолиси, шу жумладан, халқимиз ҳам иқтисодий муаммоларга дуч келди. Ўз ўрнида, Ҳўкумат томонидан иқтисодий қийинчилардан чиқиб йўллари ишлаб чиқилди. Бу борада айнан кредит олаётган аёллар банк томонидан қандай имтиёзлар ёҳуд кўмак берилди? — COVID-19 пандемияси ўтган йил барча давлатлар иқтисодиёти-

га ўз ҳукмини ўтказди ва бу, табиғийки, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Карантин даврида қўллаб-қувватлаш фаолияти тўхтаганлиги ҳам уларнинг молиявий ҳолатига соя солмай қолмади. Салбий таъсирларни юмшатиш, корхоналар фаолиятини сақлаб қолиш, айни чоғда янада ривожлантириш мақсадида пандемия даврида 705 аёл тадбиркорга 213,4 миллиард сўм банк кредитлари ажратилди. 1 минг 360 тасининг 76,2 миллиард сўмлик кредит

Пандемия даврида 705 аёл тадбиркорга 213,4 миллиард сўм банк кредитлари ажратилди. 1 минг 360 тасининг 76,2 миллиард сўмлик кредит тўловлари олти ойгача бўлган муддатга чўзиб берилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 1 минг 5 та иш ўрни сақлаб қолинди.

тўловлари олти ойгача бўлган муддатга чўзиб берилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 1 минг

Аёл тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш — улар бизнесида барқарор-

хоналарини кенг қамраб олиш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, дастур доирасида ўзаро алоқани мувофиқлаштириш, институционал ривожланиш, махсулот ишлаб чиқариш, ходимларни ўқитиш, маркетингнинг қўллаб-қувватлаш ҳамда дастурни бошқариш бўйича мониторинг ўтказиш, ҳисобот, дастур натижаларини баҳолаш тизимини яратиш.

— Демак, "Ипотека-банк"да аёл тадбиркорлар билан ишлашнинг янги таъмин жорий қилинади, шундайми? — Албатта, мазкур йўналишдаги тадбирларни рўйбга чиқаришда, аввало, халқаро консультантларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда ёндашиляпти. Хусусан, аёлларнинг ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириб борувчи таркибий тузилма Бош банкда ташкил этилиб, ушбу йўналишга айнан аёл киши раҳбар этиб белгиланди. Банкда хотин-қизларнинг ҳаққуқ ҳамда манфаатларини, гендер тенгликни доимий назорат қилиб бориш мақсадида алоҳида масъул ходим белгиланди. Филиалларимизда аёл тадбиркорларнинг яқин ҳамқори сифатида ишлайдиган, бизнесга алоқадор маълумотларни тортинмасдан айта ола-

«Ипотека-банк»га мамлакатимиз молия муассасалари орасида илк мартаба Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг "Марказий Осиеда бизнесдаги аёллар" дастури доирасида 10 миллион АҚШ долларлилик кредит линияси жалб қилинди.

— "Ипотека-банк" аёллар учун жалб қилинган ўша 10 миллион АҚШ доллар билан чекланадими ёки акцияча? — Бизнинг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигимиз доимийлик касб этган. 2021 йилда ҳам айнан ЕТББ билан алоқаларни янада кучайтирган ҳолда, қўшимча 10 миллион АҚШ доллар миқдоридида маблағларни худди мана шу йўлда ривожлантириш мақсадида жалб қилиш кўзда тутилган. Шу ўринда юқорида санаб ўтилган ишларнинг барчаси амалга оширилиши натижасида тадбиркор

Биз ушбу суҳбат асносида "Ипотека-банк" АТИБ томонидан халқимиз, айниқса, хотин-қизлар, уларнинг порлоқ келажагини таъминлаш йўлида яратиб берилаётган имкониятлар тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлдик. Айниқса, ишбилармон, ҳаракатчан аёлларимизга тақдим этилаётган бундай қулайликлар уларга янада шижоат ҳамда мадад бўлишига ишонамиз.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди. Ҳизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишылган нарҳда.

Технотрифта келган қўбемалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртова томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.35 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб-қувватлаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8784